



Улуғ муҳаддисга эҳтиром

Шу йил 15 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда муқаддас Ислом дини илмлари ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим, ватандошимиз Имом Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларнинг қалбида миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсад қилинган.

Қарорга кўра, 2024 йил октябрь ойида юртимизда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини”

мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда ушбу тадбир доирасида Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Анжуман доирасида Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Имом Абу Исо ат-Термизий мажмуасида Имом Термизий ва термизий алломаларнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарларнинг нодир қўлёзма ва нашр нусхалари ҳамда китобларининг кўرғазмасини ташкил этилади.

Мазкур қарорга кўра, Имом Термизийнинг “аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя” ва “Сунани Термизий” асарларини мотуридийлик ақидаси ва ҳанафийлик мазҳабига таянган кўп жилдлик академик таржима ва шарҳини тайёрлаш ҳамда уларни нашр этиш, Имом Термизий ҳаёти ва илмий меросининг моҳиятини

ва бугунги кундаги аҳамиятини очиқ берувчи илмий-оммабоп ҳужжатли фильм яратиш кўзда тутилган.

Қарорга биноан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда 2024 йил сентябрь-октябрь ойларида Термиз давлат университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясида Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Термизий алломаларнинг илмий-маънавий мероси: ўтмиш ва бугун” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ҳамда Имом Термизий ҳаёти ва илмий фаолиятига оид илмий мақолалар танлови, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан имомхатиблар ва диний таълим муассасалари талабалари ўртасида “Имом Термизий асарлари бўйича ҳадислар билимдони” танлови ўтказилади.

Тақдимот

Жорий йил 30 сентябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида севиqli Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам таваллуд топган Рабиул аввал ойига бағишланган Мавлиди шариф тадбири ва Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг “Раббоний нидолар” ҳамда “Ёшларга насиҳатим” номли китоблари тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, диний соҳа ходимлари, олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир Қуръони карим тиловати ва Муфтий ҳазратларининг хайрли дуолари билан бошланди.

Уммат маърифатига хизмат қилади

Сўнгра Рабиул аввал – Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам таваллуд топган ой муносабати билан Пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари, у зотнинг бутун умматга, барча инсониятга намуна эканликлари оят ва ҳадислар, мавлиди шарифлар ва турли бадий чикишлар орқали очиқ берилди. Хусусан, у зот алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифлари ёшларнинг ҳар томонлама етук, илм-маърифатли, одоб-ахлоқли, ўз соҳасида илғор, олийҳимматли, шаховатпеша, касб-хунарли бўлишга чақирити билан аҳамиятли ва бугунги кунимиз учун долзарб саналиши баён этилди.

“Раббоний нидолар” ҳамда “Ёшларга насиҳатим” китобларининг тақдироти чоғи эса мазкур нашрлар ҳақида видеолавҳалар намойиш этилди.

Сўзга чиққан хорижлик уламо-лар ва диний соҳа вакиллари Муфтий ҳазратларини уммат маърифати йўлидаги муҳим китоблари билан муборакбод этиб, кейинги фаолияти ва ижодий ишларига барака тиладилар.

Тадбир давомида “Раббоний нидолар” китоби фазилятлари ҳақида сўз юритилди. Мазкур нашрда ҳадиси қудсийлар жамланган бўлиб, у мўътабар манбалар асосида шарҳланган.

2-бетда

Сийрат ойи

Шамоили
Муҳаммадия

Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй мусулмонлар, сизлар мени мадҳ ва таъриф этишида насоролар Исо алайҳиссаломни мадҳ ва таъриф этгани каби ҳаддан ошманглар ва муболаға қилманглар. Ҳақиқат шуки, мен Аллоҳ таолонинг бандасиман. Сизлар ҳам мени “Аллоҳ таолонинг бандаси ва Расули” деб ёд қилинглар”, дедилар».

Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Бир аёл Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Ё Расулulloх, менинг ўзларига хос бир ҳолатим бор, шунинг арз қилмоқчиман”, деди. Ул жаноб: “Мадина кўчаларидан қайси бир кўчани хоҳласанг, шунда ўтир, мен бирга ўтириб арзингни эшитай”, дедилар».

Анас розияллоҳу анҳу айтади: “Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва салламни ариа ундан бўлган нон ва узоқ турганидан исланиб қолган ёгдан иборат бир зиёфатга чақирсалар ҳам, қабул қилиб борар эдилар. Жанобнинг урушида киядиган зурра (совут)лари бир яхудий қошида гаров эди. Вафот қиладиган замонларигача шу зуррани гаровдан бўшатиб оладиган бир нарсга топа олмадилар. Вафотларидан кейин Абу Бакр розияллоҳу анҳу ажратиб олди”.

“Шамоили Муҳаммадия” асаридан

Мусулмоннинг қўғғони

Сафар дуоси

“Бисмиллаҳи таваккалту ғалаллоҳ. Аллоҳумма иннаа наъуузубика мин ан назилла ае назилла ае назлима ае нузлама ае нажҳала ае южҳала ғалайна”.

“Бисмиллаҳ, Аллоҳга таваккул қилдим. Аллоҳим! Албатта, биз Сендан тойилишдан, ё залолатга кетишдан, ё зулм қилишимиздан, ё зулмга қолишимиздан, ё жоҳил бўлишимиздан ёки бизга нисбатан жоҳиллик қилинишидан паноҳ тилаймиз” (“Сунан” эгалари ривоят қилишган).

✓ 23 сентябрь. Чуст туманида жойлашган “Эшон сўфи бобо” жоме масжидининг янги биноси пойдеворига тамал тоши қўйилди.

✓ 25–27 сентябрь. Бишкек шаҳрида Қирғизистон мусулмонлари идораси томонидан ўтказилган IV халқаро Қуръон тиловати мусобақасида юртимиз номидан

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги “Қўқалдош” ўрта махсус ислом таълим муассасаси 3-босқич талабаси Абдулҳай қори Ҳасанов иштирок этди.

✓ 26 сентябрь. Пойтахтимиздаги “Шайх Зайниддин” жоме масжидида “Марваридлар шодаси” китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

Раббингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир

«Сиз (кофирлардан айрим) тоифаларни синашимиз учун бахраманд қилган дунё ҳаёти гўзалликларидан иборат нарсаларга кўзларингизни термултирманг! Раббингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир» (Тоҳа сураси, 131-оят).

«Кўзларингизни термултирманг!» Бу жумланинг икки хил маъноси бор, биринчиси, узоқ тикилиш ва кўзни уза олмаслик. Бу худди Қорунга термулганларга ўхшайди: «Сўнгра (Қорун) қавми олдиға ясаниб чиққан эди, дунё ҳаётини истайдиган кимсалар: «Эҳ, қани эди, бизларда ҳам Қорунга ато этилган нарса (бойлик) бўлса. Дарҳақиқат, у улкан насиба эгасидир», дедилар» (Қасас сураси, 79-оят).

Дунё зебу зийнатларига тикилиш, маҳлиё бўлиш инсон табиатида бўлгани учун «кўзларингизни термултирманг!» дейилмоқда. Яъни, уларга маҳлиё бўлманг. Чунки кўп термулиш ҳирсни пайдо қилади.

Абу Муслим раҳимахуллоҳ айтиди: «Оятда қайтарилган нарса назар эмас, балки афсусланишдир. Яъни, уларга берилиб, сенга берилмаган нарсага афсусланма.

Абу Рофеъ раҳимахуллоҳ

айтади: «Бир меҳмон Набий солаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди. У зот мени қарз олиш учун бир яҳудийнинг олдиға юбордилар. Яҳудий: «Аллоҳга қасамки, фақат гаров эвазига бераман», деди. Мен бу гапни Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга етказдим. У зот совутларини гаров сифатида беришимни буюрдилар. Шунда «кўзларингизни термултирманг!» ояти нозил бўлди».

Исо алайҳиссалом айтиди: «Дунёнгизни илоҳ қилиб олманг, акс ҳолда, у сизларни қул қилиб олади».

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анху султонлар ҳузурдаги нарсаси (неъмат)ларни кўрганида мазкур оятни тиловат қилар ва «Намозни маҳкам тутинглар, Аллоҳ раҳм қилгурлар!» дер эди.

«Дунё ҳаёти гўзалликларидан иборат нарсалар», яъни гўзал манзаралар, ёқимли овозлар, хушбўй ҳидлар, зеб-зийнат ва аёллар.

«Синашимиз учун» деган сўзи борасида бир қанча қавллар бор. Биринчиси, «Уларнинг моллари ва болалари сени ажаблантирмасин. Чунки Аллоҳ таоло уларни ўша нарсалар сабаб азоблашни хоҳлайди».

Иккинчиси, Калбий ва Муқотил: «Улар устидаги таклифни яна ҳам оғирлаштириш», деган. Чунки дунё кўлида бўлиб турганида ундан юз ўгириб, Аллоҳ таолога



иқбол қилиш – кўлида дунё бўлмаган ҳолатдагидан кўра машаққатли. Шу сабаб бойларга нисбатан фақирларнинг Аллоҳ таолога юзланиши кўпроқ кузатилади. Ўз навбатида, маъсиятларга қодир бўлган кишининг гуноҳлардан тийилиши ожиз ва фақир кишининг тийилишидан кўра оғирроқдир.

«Раббингизнинг ризқи...» яъни, сиз талаб қилган нарсалар – охират неъматлари ёки нубувват ва олий даража.

Оят «Сизга берилган озгина дунёнинг тоат ва ибодат билан ҳамоҳанг бўлиши сиз учун хайрлидир» деган маънода бўлиши мумкин.

Хулоса шуки, мўмин киши бошқалардаги зебу зийнатлар ва дунё неъматларини кўриб, маҳлиё бўлмаслиги лозим. Чунки уларнинг ҳаммаси синов учун берилган. Банда учун дунёдаги энг катта неъмат – иймон ва солиҳ амал. Шу иккиси орқали у боқий неъматларни – жаннатни қўлга киритади. Кимга шу икки неъмат берилган бўлса, бошқа ўтқинчи неъматларни деб сира қайғурмасин. Чунки уни олдинда Парвардигорининг боқий ва хайрли неъматлари кутиб турибди.

Манбалар асосида «Қўқалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мударрисси Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

Тақдимот

1-бетда

Уммат маърифатига хизмат қилади



Эътиборлиси, қудсий ҳадислар шарҳи ўзбек тилида илк маротаба амалга оширилди десак, муболаға бўлмайди.

Ҳадиси қудсийларни ўрганиш ва халқимизга етказиш инсоний фазилатлар ва одоб-ахлоқ меъёрларига путур етаетган бир пайтда ҳар жиҳатдан долзарб саналади.

Мазкур китоб имом-хатиблар, диний таълим муассасалари талабалари учун муҳим қўлланма бўлиши баробарида халқимизнинг диний-маърифий

билими юксалишига ҳам хизмат қилади.

Бугунги кунда ёшларни илм-маърифат, касб-ҳунар эгаллашга чақиритиш, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, мазҳабсизликнинг зарарли оқибатлари ва ёт ғоялардан сақлаш лозим. Сўзга чиққанлар «Ёшларга насиҳатим» китобида мазкур масалаларга алоҳида тўхталган ҳолда, улар оят, ҳадис ва ҳаётий мисоллар билан очиқ берилганини эътироф этишди. Шу маънода ушбу нашр ёшларни

тўғри йўлга йўналтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбир давомида ушбу китоблар ҳақида бир қатор диний соҳа ходимларининг илиқ фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Тақдимот якунида Муфтий ҳазратлари барча сўзга чиққанларга миннатдорлик билдириб, иштирокчилар ва элу юрт ҳаққига хайрли дуолар қилди.

Ўз мухбиримиз





Аллоҳ мағфират қилишдан малолланмайди

“Истиғфор” сўзи гуноҳларнинг кечирилишини сўраб Аллоҳ таолога ялиниб-ёлвориш маъносини билдиради. Гуноҳ ишлардан тўлиқ қайтиш тавба, Аллоҳдан уларни кечиришини сўраш эса истиғфордир. Истиғфор айтиш учун банда гуноҳ иш қилиши шарт эмас. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳлардан маъсум бўлишларига қарамай, ҳар кун етмиш маротаба истиғфор айтганлар. Бундан ҳар бир мўмин банда доим истиғфор айтиб юриши лозимлиги келиб чиқади.

Уқба ибн Омир Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулulloҳ, бир киши гуноҳ қилиб қўйса (нима бўлади)?” деб сўради. У зот: “(Гуноҳи) **бўйнига ёзилади**”, дедилар. Ҳалиги киши: “Кейин истиғфор айтиб, тавба қилса-чи?” деди. У зот: “(Гуноҳи) **кечирилади, тавбаси қабул бўлади**”, дедилар. “Сўнгра яна қайтадан гуноҳ қилса-чи?” деди.

Ёмонликдан қайтариш

Исрофнинг турлича кўринишлари бор, жумладан:

Гуноҳ-маъсиятлар билан ўз жонига исроф-жабр қилиш. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «(Эй Мухаммад!) **Ўз жонларига исроф қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва Раҳмлидир”**» (Зумар сураси, 53-оят). Бу ердаги исрофдан мурод гуноҳ-маъсиятда ҳаддан ошиш, кўпайтириб юборишдир.

Еб-ичишда ҳаддан ошиш. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Одам боласи ошқозонидан кўра ёмонроқ бирор идишни тўлдирмайди.** (Аслида) **одамзод учун қаддини тик тутиб туришига етадиган (бир неча) луқмалар кифоя. Агар (қоринни тўлдириш) керак бўлса — иштаҳаси голиб келса, — у ҳолда ошқозонининг учдан бири таом, учдан бири ичимлик ва учдан бири ҳаво учундир”** (Имом Термизий ривояти).

Луқмони Ҳаким ўғлига насиҳат қилиб: “Эй ўғлим, тўйгандан кейин яна таом ема! Ортган таомни ейишдан кўра, уни итларга улоқтирган яхшироқдир”, деди.

Неъматлардан фойдаланишдаги исроф. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг таҳоратда

У зот: **“Бўйнига ёзилади”**, дедилар. Ҳалиги киши: “Кейин истиғфор айтиб, тавба қилса-чи?” деди. У зот: **“(Гуноҳи) кечирилади, тавбаси қабул бўлади”**, дедилар. Яна: “Сўнг қайтадан гуноҳ қилса-чи?” деди. У зот: **“Бўйнига ёзилади”**, дедилар. Ҳалиги киши: “Кейин истиғфор айтиб, тавба қилса-чи?” деди. Шунда у зот: **“(Гуноҳи) кечирилади, тавбаси қабул бўлади. Сизлар (истиғфор айтишдан, тавба қилишдан) чарчамасангиз, Аллоҳга (мағфират қилиш) малол келмайди”**, деб марҳамат қилдилар (Имом Байҳақий “Шуъбул иймон”да ривоят қилган).

Доимий истиғфор айтиб юриш кўплаб гуноҳларнинг мағфират бўлишига сабаб бўлади, иншоаллоҳ. Бунинг учун истиғфор айтганда қалбда хушу-қўрқув ҳосил бўлсин. Шундагина гуноҳ ва маъсият йўллари тўсилади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **“Кимда-ким бирор ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг**

(қанчалик) **кечиримли ва раҳмли эканини идрок этади”** (Нисо сураси, 110-оят).

Банданинг ибодатидан Аллоҳга фойда етмаганидек, қилган гуноҳидан ҳам Аллоҳга ҳеч қандай зарар етмайди. Фақат ўзимизга зулм қилган бўламиз, холос. Ояти каримада айтилганидек, инсон баъзан билиб-билмасдан хато ва гуноҳ ишларга қўл уриб қўйиши мумкин. Шу вақтда тушкунликка тушмай, чин ихлос билан мағфират сўраса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини кечиради.

Маъсум зотнинг ўзлари бир кунда етмиш мартадан юз мартагача истиғфор айтган бўлсалар, биз ғофил, осий, гумроҳ бандалар қанча истиғфор айтаямиз? Истиғфор айтишга шошилайлик. Токи дуоларимиз, ибодатларимиз ва барча хайрли ишларимиз қабул бўлиб, Аллоҳ биздан рози бўлсин.

Давронбек МАМБЕТОВ,
Тўртқўл тумани “Ғойиб ота” жоме
масжиди имом-хатиби

Исрофдан сақланинг!

сувни меъёридан ортиқ ишлатганини кўриб: **“Ҳой, Саъд! Бу қандай исрофгарчилик”**, дедилар. “Ё Расулulloҳ, таҳоратда ҳам исроф бўладими”, сўради Саъд. **“Ҳа, ҳатто оқиб турган дарёнинг ёқасида бўлсанг ҳам”**, дедилар у зот алайҳиссалом.

Исҳоқ ибн Роҳавайҳдан ривоят қилинади: «Одамлар Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ғул (сувининг миқдори) ҳақида сўрашди. У: “Бир соъ (≈ 3 литр) кифоя қилади”, деди. “Менга бир соъ етмайди”, деди бир киши. “Сендан афзал ва сендан кўра сочлари кўп зот (Набий алайҳиссалом)га етган (сенга ҳам етади)”, деб жавоб берди Жобир розияллоҳу анху».

Амаллардаги исроф. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таоло сизларни уч нарсадан — қийлу қол (деди-деди), мол-мулкни зое қилиш ва кўп савол беришдан қайтарди”**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Исрофнинг салбий оқибатлари

Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан маҳрум бўлади. **«Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди»** (Анъом сураси, 141-оят). Чунки улар ўзларига фақат ҳалол ўринларга зарурат миқдорида сарфлаш шарти билан берилган Аллоҳнинг омонатига хиёнат қилувчилардир.

Ҳаром йўллар билан мол-дунё ортиришига ундайди. Нафси ҳузур-ҳаловат ва лаззатли нарсаларга ўрганиб қолган исрофгар шахвоний истакларини қондириш мақсадида ҳаром ва қинғир ишлардан тап тортмай қўяди.

Фақирликни олиб келади. «(Исрофгарчилик қилиш билан) **уни (қўлингизни) бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолур-сиз»** (Исро сураси, 29-оят). Исрофдан сақланмаган киши муқаррар қашшоқликка маҳкум.

Шайтонга дўст қилади. **«...исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир...»** (Исро сураси, 26–27-оятлар).

Мухаммад Рашид Ризо айтади: “Қорин ғамини энг муҳим ташвиш деб билган киши исрофгардир. Ҳаддан зиёд қоринни тўқлаб, ошқозон-ичакларини меъда сустлигига дучор қилган киши исрофгардир. Қорин учун ортиқча пул сарфлаб, ўзини қарздорлик ботқоғига ботирган киши исрофгардир. Шундай экан, исрофгар солиҳлардан амас”.

Абдулазиз ФУРЗУЛОВ,
“Саййид Мухйиддин маҳдум”
ўрта махсус ислом билиб юрти мударриси

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Жабира (жароҳат устидаги боғлам)га ҳам маҳсига масҳ тортгандек масҳ тортиладими?

ЖАВОБ: Йўқ. Жабирага масҳ тортиш маҳсига масҳ тортишдан фарқ қилади. Масалан, маҳсига масҳ тортиш учун у оёққа мукамал таҳоратдан сўнг кийилган бўлиши шарт. Жабирага масҳ тортиш учун бундай шарт йўқ. Маҳсининг (тўпикдан паст қисми) устига уч бармоқ миқдорича масҳ тортиш билан фарз адо бўлади. Жабиранинг эса ҳамма ёки кўпроқ қисмига масҳ тортилмагунича фарз адо бўлмайди.

САВОЛ: Айрим харидорлар муддатли тўлов орқали биздан телефон сотиб олиб, бир-икки ой пул тўлайди-да, кейин “Берган пулимга розиман, телефонингизни қайтариб олинг, қолганини тўлолмайман”, дейди. Шу ҳолатда нима қилишимиз керак?

ЖАВОБ: Тузилган савдони бузиш шариятда “иқола” дейилади. Икки томон рози бўлса, савдо бузилади ва маҳсулот сотувчига, пул харидорга қайтарилади. Икки томоннинг ҳам савдода келишилганидан ортиғини талаб қилишга ҳаққи йўқ. Лекин савдо бекор бўлгач, харидор пулини, сотувчи маҳсулотини қайтариб олганидан сўнг, харидор ўзи рози бўлиб бирор нарсга берса, жоиз.

Сиз айтган ҳолатда харидорга: “Телефон сизга сотилган — у энди сизнинг мулкингиз. Пулини тўлай олмасангиз, уни сотиб, келишилган муддатда қарзингизни тўланг” ёки “Биз сизнинг вакилингиз сифатида телефонни сотиб берамиз. Қарзингизни тўлашга етмаса, қолганини ўзингиз қўшасиз, ортиб қолса, сизга қайтарамиз”, дейилади. Шунда сотувчи зарардан, харидор қарзидан қутулади.

Бу маҳсулотга бирор айб етказилмаган ҳолатга тегишли. Агар сотувчи маҳсулотга унинг нархини туширадиган айб етказилган деб ҳисобласа, айб миқдорини холис савдогарларга баҳолатади. Улар: “Айби сабабли маҳсулот нархи фалон сўм пастлаган”, деб баҳолашса, сотувчи иқола пайтида харидорнинг пулидан ўша миқдорни ушлаб қолади ва қолганини ўзига қайтариб беради.

5-бетда

Масжидни пок, хушбўй сақлаш суннатдир

Имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхундан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизнинг ушбу масжидимизга келдилар. Қўлларида хурмо шохлари бор эди. Масжиднинг қибла тарафидидаги (деворга тупурилган) балғамни кўриб, уни ўша шох билан қириб ташладилар. Сўнг асҳобларига юзланиб: **“Қай бирингиз Аллоҳ ундан юз ўгиришини яхши кўради?”** дедилар. (Жобир розияллоху анху) айтади: “Биз (у зотнинг гапларидан) кўрқиб кетдик”. **“Қай бирингиз Аллоҳ ундан юз ўгиришини яхши кўради?”** яна такрорладилар у зот. (Жобир розияллоху анху) айтади: “Биз (у зотнинг гапларидан) кўрқиб кетдик”. Учинчи маротаба **“Қай бирингиз Аллоҳ ундан юз ўгиришини яхши кўради?”** деганларидан биз: “Ҳеч қайсимиз, ё Расулуллоҳ”, дедик. У зот: **“Албатта, сизлардан бирингиз намоз ўқиш учун турса, Аллоҳ таоло у юзланган томон (қибла тараф)да бўлади. Шундай экан, юзланган томонига — рўнарасига ва ўнг томонига тупурмасин. Чап томонига, чап оёғи остига тупурса, майли. Агар тупуги ё балғамни уни шошириб қўйса, у ҳолда кийими билан бундай қилсин”**, дедилар. Сўнг (таълим бериш учун) либосларининг (ички тарафига тупуриб) баъзисини (тупурилган жойини) баъзисини (тупурилмаган томонини) билан ёпиб қўйдилар. — Имом Абу Довуднинг ривоятида “Ўша ер (тупурилган жойи)га кийимлари (нинг бир чети)ни қўйиб, уни ишқаладилар”, дейилган. — Кейин: **“Менга Ҳабийр (заъфарондан олинган хушбўй аралашма) келтиринглар”**, дедилар.

Бир йигит ўрнидан туриб, уйига қараб чопди ва қўлида холук (заъфарон ва бошқа нарсалардан олинган хушбўй аралашма) билан қайтиб келди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни олиб, хурмо шохига суртдилар, сўнг у билан (девордаги) балғам асарини (кетказиш учун) ишқадилар».

Жобир розияллоху анху айтади: “Шундан холукни масжидларингизга келтирдингизлар” (Яъни, ўша воқеадан сўнг одамлар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга эргашган ҳолда масжидларида хушбўйлик сақлайдиган бўлишди).

“Аллоҳ таоло у юзланган томонда бўлади” деган гап мажозий маънода айтилган. Чунки Аллоҳ таоло макон тутишдан пок ва беҳожатдир.

“Чап оёғи остига тупурса, майли”, яъни намозхон мажбурликдан шундай қилса, намози бузилмайди. Албатта, бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам даврларидаги каби масжиднинг ичи қум, тупроқ, майда тошчалар ёки шунга ўхшаш нарсалардан иборат бўлган ҳолатга тегишли. Лекин саҳнига силлиқ мрамор тошлар ётқизиблиб, қимматбаҳо гиламлар тўшалган ҳозирги масжидларимизда бундай қилиш ярамайди. Ҳеч иложини қилолмаса, дастурмолча ё унга ўхшаш нарсага ёки кийимининг бирор ерига тупуриб, вазиятдан чиқиши мумкин. Чунки масжидни ҳар қандай ифлосланиш ва булғанишдан сақлаш — вожиб.

Ҳофиз ибн Ҳажар “Фатҳул Борий”нинг муқаддимасида куйидаги ҳикояни келтиради: «Муҳаммад

ибн Мансур деди: “Биз Абу Абдуллоҳ Бухорийнинг илм мажлисида эдик. Бир киши соқолига ёпишиб қолган қандайдир нарсани олиб ерга ташлади. Имом Бухорийни кузатдим. У бир ташланган нарсага, бир одамларга қарар эди. Одамлар чалғиб қолишганида, қўлини узатиб, ердан бояги нарсани олди-да, енгини ичига солди. Масжиддан чиққач, уни бир четга улоқтириб юборди”».

Бу ҳикоя Имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг масжидни озода сақлашда ҳатто ана шундай майда нарсаларга ҳам бефарқ эмаслигини кўрсатади. Албатта, бундай фаҳму фаросат илм ва амалнинг самарасидир.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинган фойдалар:

— тингловчининг зеҳнида мақсадни қарор топтириш учун гапни уч марта такрорлаш;

— ўргатмоқчи бўлган нарсаси тингловчига янада тушунарли бўлиши учун амалда кўрсатиб бериш;

— муаллим, мураббийнинг тавозели бўлиши, зеро, Набий алайҳиссалом туфланган балғамни ўзлари тозалаб ташладилар, бошқаларга буюрмадилар;

— бирор ишнинг ножоизлиги ҳақида гапириш, яъни, огоҳлантириш;

— қодир бўлган киши ножоиз ишни қўли билан қайтариши;

— масжиддаги ёқимсиз, кўнгилни хира қиладиган нарсаларни кетказишда фойдаланиладиган воситаларни бошқалардан сўраш жоизлиги;

— масжидни муқаддас библиш, унинг поклиги, тозаллигига путур етказадиган ҳар қандай ахлат-чиқиндилардан, кўнгилсиз нарсалардан сақлаш;

— сўлак, миширик, балғамнинг — гарчи инсон таъби нохуш санасида, — нажосат эмаслиги;

— тупуриш ва йўталиб ё томоқ қириб тупуриш, модомики у билан икки ҳарф сезилиб қолмаса, намознинг бузилмаслиги.

— қибла томонни эҳтиром қилиш ва улуғлаш;

— ҳатто намоздан ташқарида ҳам қибла ёки ўнг томонига тупурмаслик. Фақатгина чап томонига тупуриш — агар бирор монелик бўлмаса. Муъоз ибн Жабал розияллоху анху айтади: “Исломга кирганимдан бери ўнг томонимга тупурмадим”;

— бирор ишнинг яхши ёки ёмон эканини шариат белгилаб беради. Шунга кўра, ўнг томон чап томондан, қўл оёқдан, жума куни бошқа кунлардан афзалдир;

— киши ҳар қанча улуғ мартабага етмасин, яхшиликларни кўпайтиришдан беҳожат эмас. Зеро, Набий алайҳиссалом анбиёлар ва тақводорлар саййиди бўлишларига қарамай, нохушликни ўзлари кетказдилар;

— масжидни хушбўйлантириш шариатга мувофиқ экани;

— имомнинг масжид ичи ва атрофини айланиб, назорат қилиши, унинг аҳволдан хабардор бўлиши.

Манбалар асосида

Азизбек ХОЛНАЗАРОВ тайёрлади.

Бугуннинг гапи

Жамоат транспортида кетарканман, икки талабанинг суҳбатига эътиборимни тортди:

— Кеч қоладиган бўлдик!

— Айтма, шунча ҳаракат қилсам ҳам, кейинги дарсга улгурадиганга ўхшайман. Ўтган гал роса гап эшитган эдим...

— Бугун ҳам кечиксам, 6 марта дарс қолдирган бўламан.

— Бу аҳволда имтиҳонга киритилмайсан-ку! Энди нима қиласан?

Хуллас, иккала талаба ҳам кеч борса, дарсга кирмаса, кўриладиган чоралар ҳақида хавотир билан гаплашишди. Устозлар берган топшириқлардан қандай қилиб осонроқ қутулиш тўғрисида маслаҳатлашишди. Аммо дарсларга кирмагани туфайли қанча билимлардан маҳрум қолгани ҳеч бирининг ҳаёлига келмади.

Ўйланиб қолдим, бир оиланинг беги, бекаси бўладиган ёшлар дарсга ўз вақтида етиб бориш масъулиятини уйдасидан чиқа олишмаётган экан, эртага оиладаги бурчларини қандай адо этишади?! Бунинг устига, билим эмас, дипломнинг кетидан “чопаётган” талабалардан қандай мутахассис чиқаркин?!

Шу саволларга жавоб изларканман, мактабдаги аҳвол ҳам бундан қолишмаслигини ўйлаб, қалбимга оғриқ кирди. Бир куни ўғлимнинг ўқитувчиси телефон қилди: “Фарзандингизнинг чорак баҳоси паст чиқяпти. Жиддий шуғулланмасангиз бўлмайди!”

— Яхши, ўғлим ҳали инглиз тилида тузукроқ ўқишни билмайди. Шунга қизиқмаётгандир.

Мен ҳам қизиқтира олмаяпман. Қолган болалар ўқишни билишадими? — сўрадим аста. — Чунки ҳарфларни ўқиш техникаси рисоладагидек ўрганилмагани сабабли иккита ҳарфни бир-бирига улаб, сўз чиқара олишяптими?

— Қолганлар ҳам ўқишни билмайди. Фақат улар доскага ёзиб берган нарсамни кўчиришади. Сизнинг ўғлингиз эса кўчирмайди ҳам!

Аҳволни тўлиқроқ ҳис этишингиз учун изоҳ бермоқчиман. Ўғлим 5-синфда ўқийди. Яъни, 5 йилдан бери ҳафтада 2-3 кун инглиз тили дарси ўтилади. Синфда 47 нафар ўқувчи бор. Уларнинг эса ҳеч бири ўқишни билмайди. Бу дегани 47 боланинг 5 йил давомидаги битта фан учун сарфланган

вақти... Уларга берилган китоблар... Давлат томонидан ажратилган маблағ... Барчасининг уволи бор-ку ахир. “Нега шунча бола ўқишни билмайди?” деган савол на мактаб маъмуриятини, на йилдан-йилга алмашиб, мавжуд вазиятга панжара орасидан қараётган ўқитувчиларни ўйлантирмапти.

Таълим тизимида камчилик ва муаммолар талайгина. Улар келтириб чиқараётган оқибатлар ҳам аён. Биз унинг бир қисминигина тилга олдик. Бу ва бу каби муаммолар ҳал қилинмас экан, дунёга илм-фан дарғаларини берган миллат фақат улар билан фахрланишдан нарига ўтмай қолаверади.

Нигора МИРЗАЕВА

Амр ибн Абаса Суламий розияллоҳу анҳу

Амр ибн Абаса Суламий розияллоҳу анҳу Исломни илк қабул қилган саҳобалардан. Ҳатто жоҳилият даврида ҳам бутларга сиғинишдан нафратланиб, доимо улардан қутулишга ҳаракат қилган йигит. Ҳақни, ҳақ динни топиш учун тафаккур қилиб, изланган инсон... Ўз халқининг бутларга топинишини нотўғри дея олган ростгўй шахс.

Амр ибн Абаса розияллоҳу анҳу Бани Сулайм қабиласининг Бажила уруғига мансуб. Абу Зар Ғифорий розияллоҳу анҳунинг она бир биродари. Куняси Абу Нужайх.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан учрашувини унинг тилидан эшитсак: “Мен жоҳилият даврида халқнинг адашганини, тўғри йўлда эмаслигини билардим. Чунки барча бутларга сиғинарди. Ҳолбуки, бутга сиғиниш қандай маънисиз, нотўғри бир ҳаракат эди. Бу ҳолатдан қутулиш чорасини қидираётган эдим. Бир аҳли китоб

Хотира

Ўзи ҳам, сўзи ҳам ўрнак эди

Китоб туманидаги “Хўжа Бухорий” мадрасасида ўқиб юрган кезларимиз марҳум устоз Элмурод домла Очиловнинг бизга берган сабоқлари ҳамон ёдимда: “Мақсадингиз Аллоҳнинг розилиги бўлса, Ўзи сизларга мададкордир. Доим ота-она, устозларнинг дуосини олишга интилинглар, уларни норизо қилишдан сақланинглар”.

Устознинг юриш-туриши, ўзини тутиши бизга катта ибрат мактаби бўлиб, ҳар бир ўғитида илмга интилиш, яхши ўқиш, гўзал хулқ ва одобга даъват мужассам эди.

Элмурод домла билан боғлиқ бир воқеа кечагидек ёдимда. Қиш. Ўқувчилар хуфтон намозидан сўнг хонақоҳда ярим тунгача дарс қилишарди. Мен эса бироз дам олиб, ярим тундан тонгга қадар масжиднинг юқори қаватида Куръон ўқишни одат қилган эдим. Шундай кунларнинг бирида ярим оқшом мадраса эшигидан оппоқ кийимли киши кирганига кўзим тушди. Яқинлашгач, танидим — Элмурод домла. Ҳаяжон билан жимгина

киши менга: “Мақкада бир инсон сен қидираётган нарсани гапирмоқда. Сен уни топ”, дея насиҳат қилди. Бир муддат ўтгач, Мақкада бир киши одамларни ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақираётганини эшитдим. Уловимга миниб, дарҳол у зот билан учрашиш учун Мақкага бордим. Кечаси бўлишини кутиб, Каъбанинг ёнида ухлаб қолибман. Кимнингдир “Лаа илааҳа иллаллоҳ” деган сўзидан уйғониб кетдим. Ундан сўрадим:

— Сиз кимсиз?
— Пайғамбарман! — деб жавоб бердилар у зот.
— Сизни ким юборди?
— Аллоҳ юборди!
— Нима билан юборди?
— Ягона ва шериги бўлмаган Аллоҳга ибодат қилиш, қон тўкмаслик, бутларни синдириш, оила ва қариндошларга ғамхўрлик қилиш, Аллоҳни таниб, Унга ҳеч бир шерик қўшмаслик вазифаси билан юборди.

— Бу йўлда кимлар сизга ҳамроҳ бўлишди?

— Абу Бакр ва Билол...

Амр розияллоҳу анҳу калимаи шаҳодатни айтиб, Исломни қабул қилди. Шу тариқа у илк мусулмонлардан бўлди.

Амр ибн Абаса розияллоҳу анҳу айтади: “Мен Исломни қабул қилгач, Набий алайҳиссаломдан

айрилишни хоҳламадим: “Ё Расулуллоҳ, сизга ёрдам бериш учун ёнингизда бўлишни хоҳлайман”, дедим. У зот: “Ҳозирча ўз юртингга қайт. Қачон менинг бошқа жойга кўчиб ўтганимни эшитсанг, ҳузуримга кел”, дедилар.

Оиламнинг ёнига қайтиб, узоқ вақт у ерда яшадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилганларида ҳузурларига бордим.

Амр ибн Абаса розияллоҳу анҳу обид ва зоҳид инсон сифатида яшадди. Тилидан истиғфор тушмади. Доимо тавба қиларди. Мадинага Макка фатҳидан аввал ҳижрат қилди ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан айрилмади. Макка фатҳида, кейинроқ эса Тоиф ғазотида иштирок этди. Сурияга юборилган кўшин сафидан жой олди. Ярмак жангида Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу уни суворийларга қўмондан этиб тайинлади.

Амр ибн Абаса розияллоҳу анҳу дан 38 та ҳадис ривоят қилинган.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу халифалигининг сўнгги йилларида Шом тарафларда вафот этди.

Манбалар асосида Сирдарё вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Султон ЖАНГИРОВ тайёрлади.

шогирдларимнинг кўпи ижарада туради. Қанийди, шарт-шароитга эга, замонавий ётоқхона бўлса, ҳамма талабалар бир жойда яшаб таҳсил олишса, қандай ажойиб иш бўлар эди-я”, деди. Сухбатимиз якунида: “Мендан хафа бўлмадингми?” деб сўради. Мен: “Йўқ, устоз, нега хафа бўламан?” дедим...

Шогирдлар келажаги учун қайғуриб, уларга илм беришга азиз умрини сарфлаган марҳум устозларимизни Аллоҳ таоло раҳмати-га олсин.

Боймурод ХОЛМУРОДОВ,
Қарши тумани бош имом-хатиби



Элмурод домла Очилов
(1961-2006)

Maqsading Allohning
rizoligi bo'lsa,
Alloh senga
madadkordir

Масала

3-бетда

САВОЛ: Кийимга теккан маний қуриб қолса, ишқалаб ташлаш орқали поклаш мумкин. Мазий ва вадийни ҳам қуриб қолгандан сўнг ишқалаб ташлаш билан поклаш мумкинми?

ЖАВОБ: Бавл, мазий ва вадий (бавлдан кейин шаҳватсиз келадиган оқ суюқлик) кийим ёки баданга тегса, уларни фақат ювиш орқали покланади, ишқалаб ташлаш билан покланмайди.

Фақатгина манийда икки хил поклаш мумкин: ювиш ёки қуриб қолганини ишқалаб ташлаш билан. Бу ҳукм манийнинг ўзига тегишли. Сабаби, аввало манийдан шундай тарзда поклаш ҳақида ҳадислар келган.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларидан манийни яхшилаб ишқалаб ташлар эдим. У зот ўша кийимда намоз ўқир эдилар” (Имом Муслим ривояти).

Мазий ёки вадий ҳақида ундай ҳукмлар келмаган. Ундан ташқари, маний қуюқ нажосат бўлгани учун бошқа нажосатлардан фарқли равишда қуриганда қаттиқ, ишқалаб ташлаш мумкин бўлган жисмга айланади. Сийдик, мазий ва вадийлар суюқ нажосат бўлгани учун уларнинг қуриган ҳолати шундай бўлмайди.

САВОЛ: Қўқон томонларда таъзияли хонадон эгалари таъзияга келган аёлларга идиш-товоқ, қозон каби буюмларни тарқатишади. Бу ҳақда шариат кўрсатмаси қандай?

ЖАВОБ: Мазкур буюмлар майитники ёки унинг маблағига олинган бўлиб, уларни тириклик ва саломатлик пайтида васият қилмаган бўлса, тарқатиш жоиз эмас. Чунки майитдан қолган мол-мулкда барча меросхўрларнинг ҳақи бор. Улардан ҳеч ким бошқаларнинг розилигисиз меросни тасарруф қилиши жоиз эмас.

“Шериклардан бири шеригининг ҳиссасини унинг рухсатисиз тасарруф қила олмайди” (“Мажаллатул аҳком”).

САВОЛ: Марҳумлар учун 52 маросимини қилиш тўғрисида динимиз нима дейди?

7-бетда

Қамар қўрқиб бошин яширар...

Аллоҳ таоло Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб: «**Ва Биз сизнинг зикрингиз (мартабангиз)ни баланд қилиб қўйдик**», дейди (*Шарҳ сураси, 4-оят*).

Навоий куллиётидаги қирқдан ортиқ наът ғазалларда Набий алайҳиссаломнинг сифатлари бетакрор бадий воситалар ёрдамида баён этилган. “Ғаройбус сиғар” девонидаги бир ғазал қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Юзу кўзунгда муайян камоли
сунъи илоҳ,
Не юздурур бу, не кўз ло илоҳа
иллаллоҳ...

Байтдан ушбу мазмун англашилади: «Сизнинг юзингиз ва кўзингиз шу қадар ғўзал яратилганки, бу Аллоҳ санъатининг комиллигидир. Таърифига тил ожиз не ғўзал юз ва не ғўзал кўз бу. Уни кўрган ожиз бандда “Лаа илаҳа иллаллоҳ!” калимасини айтишдан бошқа чора топа олмайди».

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламни ойдin кечада кўрдим. Устларида қизил либос бор эди. Шунда бир у зотга, бир ойга қарай бошладим. Назаримда, у зот ойдан ҳам чиройли эдилар”.

Жамолнинг ойина ва-ш-шамси
кўзгуси нозил,

Кўзунг қаросига мо зоға сурмаси
ҳамроҳ.

Шоир таъкидлашича, Расулulloҳнинг ойдан-да ғўзал жамолларига Аллоҳ таоло “ваш-Шамс” — “Кўёш кўзгуси”ни, яъни Шамс сурасини у зотнинг жамоллари таърифида нозил қилган. Ой ўз нурини кўёшдан олади. У зотнинг кўзлари қоралиги қора сурмадан эмас, балки “мо зоға” сурмаси туфайлидир. Аллоҳ таоло Нажм сурасининг 17-оятда: “**Ма зағол басору ва ма тоғо...**” — яъни “(Пайғамбарнинг) **кўзи** (ўнгу сўлга) **оғани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ**”, дея Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг юксак одобларини мадҳ этган.

Тилинг ҳамиша ладуний
улумиға нотик,
Мудом кўнглунг илоҳий
румизидин огоҳ.

Ладуний илм Аллоҳнинг ҳузуридан олинадиган илмдир. Байтдаги “улуи” — илм сўзининг кўплик шакли. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам фақат Аллоҳнинг ваҳийсини гапирганлар: «**У ҳаводан нутқ қилмас. У** (Қуръон) **ваҳийидан ўзга нарса эмас**» (*Нажм сураси, 3-4-оятлар*).

Набий алайҳиссаломнинг кўнгиллари ҳамиша уйғоқ ва огоҳ бўлган. У зотнинг ўзлари: “**Кўзларим ухлайди, аммо қалбим ухламайди**”, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Қамар ҳар ой боши
муъжизнамой илгингдин
Қочиб бошини ўғурларки, бўлур
ўйла дутоҳ.

Шоир бунни бадий адабиётдаги ҳусни таълил (чиройли асослаш) санъати ёрдамида тасвирлаб, “Шаққи қамар” (ойнинг иккига бўлиниши) муъжизасига ишора қилади: “Қамар (ой) ҳар янги чиққанда, сизнинг муъжизакор бармоқларингиз туфайли иккига бўлиниб қолишдан қўрқиб, бошини олиб қочади”. Чунки мушрикларнинг талаби билан Пайғамбар алайҳиссалом бармоқлари билан ишора қилганларида, тўлин ой иккига бўлинган.

Навбатдаги байтда “Меърож” воқеасига ишора қилинади:

Чу сен сипеҳрдин ўттуниг
шиҳобу ҳалқайи бадр
Эмаски, чарх чекар кеча
ҳасратингдин оҳ.

Сиз осмон гумбазидан учган юлдуз каби шитоб билан ўтдингизки, кўриниб турган ҳалқаи бадр — тўлин ой ҳалқаси эмас, балки ҳасратингиздан оҳ чекаётган чарх — осмону фалақдир.

Сенинг шафоатинг уммиди чун
эрур мумкин,
Ўноҳкор бировдурки, йўқтур
анга гуноҳ.

“Сизнинг шафоатингиздан умид қилиш мумкин, бунга муяссар

бўлган кишининг гуноҳлари кечирилади”.

Ожизлик, адашиш, хатокорлик инсон табиатига хос. Шу боис у гуноҳкорлигини ҳис этган ҳолда, истиффор айтиб, тавба қилиши, Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларидан умидвор бўлиб ҳаёт кечириши зарур. Набий алайҳиссалом: «**У (шафоатим) Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмай вафот этган киши учундир**», дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

Навоий гулшанининг наргиси
нужум ўлғай,
Кўз учидин анга қилсанг ҳисоб
вақти нигоҳ.

Наргис — гул навларидан бири бўлиб, у бадий адабиётда кўзга ўхшатилади. Шунга кўра, байтнинг маъносини бундай талқин этиш мумкин: “Ё Расулulloҳ, қиёмат куни ҳисоб-китоб вақтида кўзингиз қири билан бўлса-да, менга нигоҳ ташласангиз, Навоийнинг кўзи севинчдан юлдузлардай порлаб кетади”.

Аллоҳ таоло ҳазрати Навоийни ҳам, биз гуноҳкор умматни ҳам Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларидан баҳраманд айласин.

Олимжон ОБИДЖОНОВ,

Қувасой шаҳар “Ислом” жоме масжиди
имом ноиб

Мутолаа

Қуръонда Ислом қонунчилиги асослари

Ислом шариати асосий эътиборни уч нарсага қаратади: машаққатни йўқотиш; мажбуриятларни камайтириш; шариат аҳкомларини босқичма-босқич амалга ошириш.

Машаққатни йўқотиш. Машаққат икки хил бўлади: одатий ва ортиқча. Одатий машаққатларнинг урфда эътибори йўқ. Чунки ҳар қандай амал, қисман бўлса ҳам, машаққатдан холи эмас. Ҳатто ейиш, ичиш, кийиниш каби зарурий ишлар ҳам ўзига яраша машаққатни талаб этади. Шу боис бундай одатий машаққатларнинг шаръий таклифларда мавжуд бўлиши табиий ҳол.

Ортиқча машаққат эса, қалбни оғринтириб, тоқатни тоқ қиладди, юракни бездириб қўяди. Шунинг учун Аллоҳ таоло бандаларига фазлу марҳамат қилиб, шу турдаги машаққатларни кўтарди. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам икки ишдан енгилроғини танлар эдилар. Эътибор берсангиз, исломий таклифларда инсонларни қийнаб қўядиган ва кўнгилларига оғир ботадиган ҳеч қандай

ҳукми учратмайсиз. Масалан, беш маҳал намоз тик туриб ўқишга буюрилган. Тик туришга қодир бўлмаганлар ўтириб, унга ҳам қодир бўлмаса, ётган ҳолда, сафарда эса тўрт ракатли фарз намозларни қаср қилиб адо этиш мумкин. Рўза ҳам йилда бир ойгина фарз қилинган. Бу ҳам тоқат кўтармайдиган даражада эмас. Лекин сафар ёки беморлик сабабидан (ҳомиладор ё эмизлик аёлларга ҳам) рўза тутмаслик ёки очиб юборишга изн берилади. Таҳоратга сув топилмаса, таяммум қилишга рухсат берилади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси бандаларнинг шаръий таклифларни малолланмай бажаришлари, ихлослари сусаймаслиги учундир.

Фақиҳлар шариатда енгиллик киритилган ҳолатларни еттита деб белгилашган:

— узрли вақтда ибодатнинг соқит бўлиши: сафарда фарз намозни қаср қилиб ўқиш;

— ибодатлар ўрнини алмаштириш: таҳоратни таяммум билан алмаштириш;

— ибодат вақтини олдинга

суриш: Арафот водийсида аср намозини пешин вақтида пешин билан жамлаб ўқиш;

— ибодат вақтини кечиктириш: Муздалифада шом намозини хуфтон вақтида хуфтон билан жамлаб ўқиш;

— ибодат тартибини ўзгартириш: таҳликали вазиятда аскарларга хавф намозига рухсат берилиши;

— тақиқланган нарсага рухсат бериш: ҳаётини сақлаб қолиш учун ўлимтик гўштини ейиш;

Мажбуриятларни камайтириш. Ислом шариати бошқа шариатлардан таклифларининг озлиги билан ажралиб туради. Аввалги шариатларга назар ташласангиз, улардаги таклифларнинг оғирлиги ва кўплигига амин бўласиз.

Шариат аҳкомларини босқичма-босқич амалга ошириш. Исломнинг илк даврида намоз эрта-лаб икки ракат, кечкурун икки ракат қилиб жорий этилган. Чунки у даврда кишилар Исломга янги кирган бўлиб, намознинг ҳаловатини ҳали тотиб улгурмаган, Аллоҳга муножот қилиш лаззатини яхши

туймаган эдилар. Вақт ўтиб, мусулмонлар қалби иймон ва ибодатдан ҳаловат, таскин топа бошлагач, намозлар беш маҳалга, ракатлари тўрт ракатга етказилди.

Аввал бошда мусулмонлар заифҳол, ўзларини ҳимоя қилишга қувватлари етмагани учун мушрикларнинг азиятларга сабр қилишга, улардан юз ўгиришга ва қарши чиқмасликка буюрилган. Ададлари кўпайиб, қувватлари ортгач, ўзларини ҳимоя қилишлари учун жанг қилишга изн берилди.

Шуларга ўхшаш ҳукмлар жуда кўп. Дарҳақиқат, Ислом шариати инсон манфаатларини ҳимоя қиладди. Шунга кўра аҳкомлар аввал мужмал, сўнгра муфассал тартибда келган. Бу асосан Маккадаги қонунчилик билан Мадинадаги қонунчиликни солиштирганда яққол намоён бўлади.

(Давоми бор...)

Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВнинг
“Ислом фикҳи асослари” китоби асосида
тайёрланди.

Худойи қилиш мажбурийми?

Юртимизнинг баъзи жойларида ҳанузгача “етти”, “йигирма”, “қирқ” ва ҳоказо номлар остида маърака-маросимлар ўтказиб келинади. Бу номлар ўрнига жўнгина “худойи”, “эхсон” каби атамалар қўлланади. Лекин ҳаммасидан кўзланган мақсад битта – марҳумлар руҳини шод этиш. Лекин кишилар марҳумлар руҳини шод этишни фақат дастурхон ёзиб, ош беришда деб тушуниб қолгани, бу қараш билан ўзларини мушкул аҳволга солишгача бориши ачинарли. Аслида марҳумларга қайси ишларнинг савоби етиб боради?

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Бир киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан: “Ё Расулуллоҳ, онам тўсатдан вафот этди (васият қилишга улгурмади). Агар гапирганида (васият қилганида) садақага буюрган бўларди, деб ўйлайман. Унинг номидан садақа қилсам, унга ажр-савоб бўладими”, деб сўради. У зот: “**Ҳа**”, деб жавоб бердилар» (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «Саъд ибн Убода йўқлигида онаси вафот этди. У: “Ё Расулуллоҳ, мен йўқлигимда онам вафот этди. Унинг номидан бирор нарса садақа қилсам, унга манфати бўладими?” деди. У зот: “**Ҳа**”, дедилар. Саъд: “Сизни гувоҳ қилиб айтаманки, мевали боғим унга садақа бўлсин”, деди» (Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоий ривояти).

«Саъд ибн Убода Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан сўради: “Онам вафот этди, унинг номидан бир қул озод этсам, унга фойдаси тегадими?” У зот: “**Ҳа**”, деб жавоб бердилар» (Имом Молик ривояти).

«Саъд ибн Убода розияллоху анху: “Ё Расулуллоҳ, Саъднинг

онаси вафот этди. Қайси садақа афзал”, деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Сув**”, дедилар. У бир қудуқ қазиди ва: “Мана шу Саъднинг онаси учун”, деди» (Имом Абу Довуд, Имом Насоий ва Имом Аҳмад ривояти).

Ушбу ривоятларда марҳумга етадиган садақанинг бир нечта кўриниши, хусусан, мевали боғни садақа қилиш, қул озод қилиш, қудуқ қазиб, сув чиқариш кабилар санаб ўтилди. Булар ўша пайтда одамларнинг эҳтиёжи энг кўп тушадиган ишлардир. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳам садақанинг афзали сифатида одамларга сув чиқариб беришни зикр қилганлар. Шундан бир хулоса қилса бўлади: марҳумларга нафи кўпроқ тегадиган ишлар тирикларга нафи кўпроқ бўлган ишлар экан.

Худойига атаган маблағимизни марҳумга нафи кўпроқ бўлган бошқа ишга сарфлайлик. Масалан, бир муҳтож оилага бир ойлик (балки кўпроқ) озиқ-овқат, уст-бош, ўқув қуролларини олиб бериш. Беморларнинг дори-дармони, муолажаларини кўтариш. Эл-юрт корига ярай деб таълим олаётган ёшларнинг ўқиш харажатларини қоплаш. Уйланишга қўли юпқалик қилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш. Маҳалласи ё қишлоғидаги йўлларни, кўприкларни таъмирлаш, сув чиқариб бериш каби хайрли ишларни амалга ошириш мумкин. Энг муҳими, бу ишларнинг ажру савоби дастурхон ёзиб қилинадиган худойиникидан анча кўп ва давомли бўлади. Марҳумлар руҳини шод қилмоқчи бўлганлар шунга эътибор қаратишса мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир муҳим нарса шуки, бу иш, яъни марҳумлар номидан садақа-эхсонлар қилиш

мажбурий эмас. Балки ҳар ким ўзининг имконига қараб чин кўнгилдан қилинадиган ишдир. Одамларнинг гапидан кўрқиб ёки обрў топиш учун қилинмайди. Акс ҳолда, савоб қозониш ўрнига гуноҳ орттириш мумкин.

Одамларнинг раъйига қараб, “Сен ҳам вақтида одамларнинг худойи, эҳсонига хўп боргансан, энди ўзинг қилмасанг, нима деган одам бўласан?” “Одамлар нима дейди?” каби гап-сўзлардан қочиб, қарз-қавола қилиб бўлса ҳам худойи, эҳсон қилиб беришдан савоб ҳосил бўладими-йўқми?! Даволатишга пул тополмаган кишилар маърака-худойиларни дабдаба билан ўтказишларини қандай тушуниш мумкин?!

Зўрға рўзғор тебратаётган кишиларнинг ҳам худойи, маърака қилишда, эҳсон беришда одамлардан қолишмаётгани сўзимизнинг исботидир. Аслида бойлар камбағалларга, тўқлар очларга эҳсон қилиб беришлари керак эмасми?! Биз нима қиламиз – худойи камбағалникими, бева-етимларникими тап тортмай кетаверамиз. Ҳолбуки, ҳаммамизнинг қорнимиз тўқ, устимиз бут. Ўзлари емай-ичмай болаларининг, эҳтимол, етимларининг ризқини қийиб солинган бу дастурхон бизга ҳалолми-йўқми деган саволни олдимизга қўйишимиз керак.

Азизлар, шу пайтгача маросимбозликларни роса жойига қўйдик, балки ортиғи билан бажардик. Энди ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, уларни тартибга солайлик.

Исмоил АЛИБЕКОВ,

Хатирчи тумани “Ҳожи Маҳмуд
Валихон ўғли” жоме масжиди
имом ноиби

Газетхон илҳами

Икки дунё бахтидир суннат,
Пайғамбарни яхши кўрганлар.

Билар – намоз улкан ибодат,
Мўмин учун синов-машаққат,
Жамоатга шошилар албат,
Пайғамбарни яхши кўрганлар.

Сўзларида ёлғон бўлмайди,
Кўп ухлмас ва кўп кулмайди,
Амалдан кўнгли тўлмайди,
Пайғамбарни яхши кўрганлар.

Омонатга қилмас хиёнат,
Сўхбатада топилмас ғийбат,
Муҳтожларга қилар саховат,
Пайғамбарни яхши кўрганлар.

Абдулҳаким УМАРОВ, Уйчи тумани

Мавлиди шариф

Муборак ой – муборак таширф,
Сўз етмагай, қанча қил таъриф.
Яна келгин, Мавлиди шариф,
Пайғамбарни яхши кўрганлар.

Дил изҳори – дуруд ва салом,
Салавоту бир ширин калом,
Қалбда севги – кўрсатар икром,
Пайғамбарни яхши кўрганлар.

Қўрғон бўлсин дастурил амал,
Яхшиликлар битилмиш тугал,
Жаннат сизни кутади маҳтал,
Пайғамбарни яхши кўрганлар.

Ростгўйликни қилайлик одат,
Ҳусни хулқда бўлайлик ибрат,

Масала

5-бетда

ЖАВОБ: Сиз айтган маросим, яъни марҳумлар учун муайян кунларга хослаб хайр-эхсон қилиш шариатимизда йўқ. Динимиз кўрсатмаси шуки, ҳар ким имкониятига қараб, муайян кунга хосламай, хайру эҳсон ва солиҳ амаллар қилиб, уларнинг савобини марҳумларга бағишладир.

САВОЛ: Ақли заиф кишининг никоҳдаги розилиги ва айтган талоғи шаръан эътиборга олинadими?

ЖАВОБ: Агар ақли заиф киши доимий жиннилик билан касалланган бўлса, унинг никоҳдаги берган розилиги ҳам, айтган талоғи ҳам эътиборсиз ҳисобланади.

“Ақли заиф киши ва ақлсиз ёш боланинг никоҳи боғланмайди... Ақли заифнинг (айтган) талоғи тушмайди” (“Бадои-ус-саноиъ”).

Бундай мажнунни уйлаш зарурати туғилса, никоҳ битимида унинг номидан валийси (ота, бобо, амаки ёки акаси) ийжоб ёки қабулни амалга оширади. Аммо талоқ масаласида унинг номидан талоқ қила олмайди. Бу масалада қозига мурожаат қилинади. Қози бўлмаган жойларда бу ишни ажримга масъул идоралар амалга оширади.

Мазкур ҳукм ақлий заифлиги доимий бўлганларга тегишли. Аммо баъзи вақтларда жинни бўлиб, бошқа вақтларда соғ юрадиган, яъни мажнунлиги мавсумий бўлган шахсларнинг ҳукми бошқача: соғ вақтидаги никоҳи ва талоғи эътиборга олинади; мажнунликдаги ишлари ва сўзлари эътиборга олинмайди.

“Гоҳида мажнун бўлиб, гоҳида ҳушига келадиган киши ҳушига келган пайтда ақлли, жиннилиги тутган вақтда ақли заиф ҳисобланади” (“Баҳрур роиқ”).

САВОЛ: Ижарага берувчи ижара учун олдиндан тўланган пуллардан закот берадими?

ЖАВОБ: Агар ижара пули нисоб миқдорида бўлса, бир қамарий йил ўтказиб, ундан закот беради. Агар нисобга етмаса, ўзининг пулига қўшиб ҳисоблайди, нисобга етса, бир қамарий йил ўтгач, ундан закот чиқаради. Ёки ўзининг нисобга етган пулига ижара пулини қўшиб, закот беради (“Фатҳул қодир”).

САВОЛ: Мажнун, ақли заиф кишиларнинг амаллари учун савоб ё гуноҳ ёзилadими?

ЖАВОБ: “Ҳалаби кабир” китобида: “Мажнун (шаръий ҳукмларда) балоғатга етмаган ёш бола кабидир”, дейилган.

“Бу ҳукм туғма мажнунга тегишли. Чунки туғма мажнунга ёш бола каби шаръий амаллар вожиб бўлмайди, гуноҳ ёзилмайди. Гоҳ-гоҳида эс-ҳушини йўқотадиганлар бундан мустасно. Улар фақат эс-ҳушини йўқотиб, мажнун бўлган вақтларидагина хатти-ҳаракатларига жавобгар бўлмайди. Лекин эс-ҳуши жойида бўлган пайтлардаги ишлари учун жавобгардирлар” (“Муҳит”).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалога кирсалар: **“Аллоҳим, мен эркак ва урғочи шайтоннинг ёмонлигидан Сенинг паноҳинга қочаман”**, дер эдилар.

Набий алайҳиссалом марҳамат қиладилар: **“Намознинг калити – таҳорат, таҳримаси – такбир, таҳлили – салом”** (Имом Термизий ривояти).

Имом Абу Исо Термизий

14 февралдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази олимлари термизий аллома-ларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиб халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишяпти.

Алломанинг ҳаёти ва фаолияти

Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг шарқий томонидаги катта қабристон ёнида мақбара жойлашган. У XI–XII аср меъморий ёдгорлиги саналади. Буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Термизий шу ерга дафн этилган. Мақбаранинг олд тарафига XX аср бошида айвон қурилган ва дастлабки таъмирлаш ишлари амалга оширилган.


Абу Исо Термизий мақбараси 1990 йили Ўзбекистон ҳукумати ажратган маблағ ҳисобидан тўлиқ таъмирланди. 2017 йилда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан у зот мангу қўним топган масканда зиёратчиларга барча шароит яратилган муҳташам мажмуа барпо этилди.

Президентимизнинг 2017 йил

Имом Термизий ҳижрий 209 (милодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол оилада дунёга келди. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳоқ Абу Исо Суллаймий Зарийр Буғий Термизий.

Марказий Осиёлик машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулкарим Самъоний (1113–1167) Термизий Буғ қишлоғида вафот этгани учун “ал-Буғий” тахаллуси берилгани, олим умри охирида кўп йиғлаганидан кўзи ожиз бўлиб қолганидан “аз-Зарийр” (кўзи ожиз) тахаллусини олганини келтириб ўтади.

Эл орасида аллома Термизий номи билан машҳур. Бунга сабаб у кишининг ҳаёти ва фаолияти Термиз шаҳри билан боғлиқлиги билан боғлиқ. Муҳаддиснинг



ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар учрамайди. Тарихчилар алломанинг: “Бобом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келган”, деган сўзини келтириб ўтишган.

Имом Термизийнинг устозлари: Абу Муҳаммад Абд ибн Хумайд Кеший, Имом Доримий, Имом Бухорий, Имом Муслим Абу Довуд, Қутайба ибн Саид ва бошқалар.

Асарлари

1. “Ал-жомиъ ал-кабир” (“Катта тўплам”) ёки “Сунан ат-Термизий” (Термизийнинг суннатларга оид китоби);
2. “Китоб ат-тафсир” (“Тафсир китоби”);

3. “Аш-шамоил ан-набавийя” (“Пайғамбарга хос сийрат ва фазилатлар”);

4. “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”);

5. “Китоб ал-илал ал-кабир” (“Ҳадисларни нақл қилишдаги катта нуқсонлар”);

6. “Китоб ал-асмо вал куна” (“Ровийларнинг исми ва кунялари ҳақида китоб”) ва бошқалар.

Имом Термизий илмий меъроси ҳақида Убайдулла Уватов ва Иброҳим Усмоновнинг “Термизлик икки аллома”, Жўрабек Чўматовнинг “Имом Абу Исо Термизий ҳаёти ва ижоди саҳифалари” ва бошқа қатор китоблар нашр этилган.

Тўлқин ШЕРНАЕВ тайёрлади.

Ҳикмат – мўминнинг йўқотгани

Золим билан дўст бўлган киши ҳам золимдир. Зеро, бу дўстлик ғафлатни ва нафсидан рози бўлиш иллатини пайдо қилади. Унинг ортидан шайтон билан дўст бўлмоқ иллати келиб чиқади.

“Дунё севгиси билан бир вақтда қилинган ибодат қалбни машғул этиш ва аъзоларни толиқтиришдан бошқа нарса эмас. Бундай ибодат қанчалик кўп бўлса ҳам оздир.

Агар сенга иши тушиб келган кишининг ишини битирсанг, Аллоҳ таоло сенинг дунё ва охирадаги етмиш икки ҳолатингни раво қилади.

Қалбингни дунё муҳаббатларидан тозаласанг, қалбингга иймон йўллари очилади. Покланмаган қалбга иймон йўллари очилмайди.

Зоҳирий ва ботиний саодатларнинг, бахтиёрликларнинг ҳаммаси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобе бўлмоқ билан қўлга киритилади. У зотга тобе бўлган киши, албатта, ҳузур ва саодатга етишади. Бу йўлда илгариламоқ эса банданинг қобиляти, ғайрати ва мақсади йўлидаги қатъиятининг умумлашувига боғлиқ бўлади.

Увайс Қараний ҳикматлари

Бани Одамга берилган масъулият ва жавобгарлик махлуқотнинг ҳеч қайсисига берилмаган. Шунинг учун ҳам инсоннинг баъзи тоат-ибодатларни қилгани билан иш битмайди. Улар билан бирга кулликка маҳкам ёпишмоқ, сўз айтишда, таом ейишда, ҳатто атрофига назар солишда ғоятда эҳтиёткор бўлмоқ лозим. Чунки у ҳар бир сўзи ва ҳар бир ҳаракати учун масъулдир ва ҳаммаси учун Аллоҳ таолога ҳисоб беради.

Ўзингга зарур бўлган илмни ўрганишга ҳаракат қил, керак бўлмайдиган илмларни

ўрганишга вақтингни сарфлама. Зарур бўлган билимни ўрганганингдан сўнг унга амал қилишдан бошқа нарсани истама.

Лақма киши бошқаларнинг айбларини санамоқчи бўлади-ю, аслида ўзининг айбларини айтиб беради.

Инсон зоти бутун дунё илмларини ўрганиб олган тақдирда ҳам Аллоҳ таолонинг ризосига мувофиқ ҳаракат этмагунча нажот топмайди.

Бинафша ДАМИН қизи тайёрлади.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR	Komiljon BURHONOV
Sodiq TOSHBAYEV	Tolibjon NIZOMOV
Homidjon ISHMATBEKOV	Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Shayx Abdulaziz MANSUR	Muzaffar KAMOLOV
Obidjon QODIROV	Salohiddin SHERXONOV
Muhammadolm MUHAMMADSIDDIQOV	Azizbek XOLNAZAROV
Zayniddin ESHONQULOV	Jamoatchilik kengashi:
Muhammadsharif JUMAN	Alisher ESHIMOV
Xolmat ATABAYEV	Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV	

Toshkent – 100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: Dilmurod SODIQOV
Musahhiha: Zebo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi: 24.09.2024
Xulosa (№03-07/5889) olindi: 02.10.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450
24-3/19-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!